

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 2 ноябрь жума
Сотувда эркин нархда
№ 224 (2786)

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Олий Мажлисда

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

у жинойи жазоларни либераллаштириш масалаларига бағишланди

Кеча Олий Мажлисда Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташаббуси билан «Ўзбекистонда жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши — суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим босқич» деган мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова олиб борди.

либераллаштириш йўлида, шак-шубҳасиз, муҳим қадам бўлди. Анжуманда ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилиши, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислохотини янада чуқурлаштириш жараёнида ҳуқуқ илми роли кучайтирилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Конференция ишида Олий Мажлис депутатлари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, олий ўқув юрталарининг ҳуқуқ фанлари кафедралари мудирилари иштирок этдилар.

Муҳокама этилган мавзу конференцияда катта қизиқиш уйғотганлигини сўзга чиққанлар ҳам, муҳокама этилган мавзу юзасидан саволлар ҳам қўп бўлганлигидан билиш мумкин.

Иккинчи қақирғи Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қилган маърузадан келиб чиқадиган вазифалар асосида муҳокама этилаётган масала низоҳатда муҳим аҳамиятга эга эканлиги конференцияда алоҳида таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий суди жинойи жазоларни либераллаштириш масалалари кенг тушунириш мақсадида жойларда илмий-амалий семинарлар ташкил этиши зарур деган фикр билдирилди.

Сўзга чиққанлар қонун ҳужжатларининг адолатли ва инсонпарварлик принциплари жазоларнинг энгиллаштирилиши ва камайирилиши ҳисобига амалга оширилишини таъминлаш зарур эканлигига алоҳида урғу бердилар. Маърузаларда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, давлатимиз раҳбари томонидан тақдир этилиб, мамлакатимиз Парламентининг олтинчи сессиясида қабул қилинган «Жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жазоблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини

Анжуманда жинойи жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ муаммолар юзасидан махсус услубий дастурлар тайёрлаш, монография, рисола ва илмий мақодалар чоп этиш, шунингдек, олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот институтларининг кафедралари ҳамда илмий кенгашларида илмий мунозаралар уюштириш муҳим эканлиги айтиб ўтилди.

Олимлар ва амалиётчи ходимларга жинойи жазоларни либераллаштиришнинг асосий қондаларини оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролар эътиборига етказиш ҳамда уни янада чуқурлаштириш йўллари тўғрисида тақдир билдириш тавсия этилди.

ЁШЛАР ТАҚДИРИГА ҲАММА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Онда ва аёллар муаммолари комиссияси ташаббуси, республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган семинар-кечанинг «Воля етмайди ёшлар томонидан содир этилаётган қонунбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш масалалари» бағишланди.

нояблар анча ташвишли бўлапти. Энг ачинарлиси, Умирлар ўртасида турли профнактик ишлар олиб боришга мутасадди бўлган масъуллар бу ҳақда сохта ҳужжатлар расмийлаштиришгапти.

Семинар-кечанинг вилоят ҳокими У.Ямаккулов киритиш сўзи билан очилди.

Вилоятда 16 ёшгача бўлганлар ўртасида ўз жониға касд қилувчилар кўпайган: 9 ойда 16 та ҳолат қайд қилинган. Лекин уларнинг аксариятида жиноятнинг туб илдизи очилмай қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Ғаллоқор, Зафаробод, Пахтакор, Мирачўл, Янгиобод туманларида тикчанлик билан шуғулланган, бошқа жиноятлар сони өрбиг борапти. Миллияти билан халқ тавлими соҳисн ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик яхши эмаслиги воляға етмаганлар билан ишлашда муаммолар туғдирмақда.

Очиг, ошкора мулоқот тарзида ўтган семинар-кечанида сўзга чиққанлар воляға етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг туб сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, умуман ёшлар билан ишлашдаги камчиликларни жиддий таҳлил этидилар.

Таъкидланганидек, вилоятда ўқимасдан, ишлайми юрганлар талайгина. Бунайдлар кўп ҳолларда низоҳатсиз қовляпти. Жойлардаги ички ишлар нозирларининг фаолияти қониқарсиз. Оқибатда айнан ёшларнинг шунадай тоифалари орасида жиноятчилар кўпроқ.

Кейинги пайтда 10-14 ёшли болалар ўртасидаги жин

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўшма корхоналарда




Бугунги кунда пойтахтнинг «Кўкча» даҳасида барпо этилган «Қабул текстил Ко» қўшма корхонасида 2700 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар деҳқонларимиз этиштирган пахтага қайта ишлаб, жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган ип калаваси тайёрламоқдалар. Бу тайёр маҳсулотнинг асосий қисми эса экспортга чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: йигирув цехида; корхона раҳбари Йўлдошбой Полвонов, йигирувчилар Нарғиза Худойбердиева ва Ўктамой Тўхтаева маҳсулот сифати ҳақида фикр алмашмоқдалар.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЖАҲОН АНДОЗАСИДАГИ ИП КАЛАВАСИ



Бугуннинг гапи

«Демократия, у нима?» деган саволга инсон яралибдики, жавоб излайди. Бу ҳақда алдомалар бир-бирдан гузал фикрлар айтишган, қўшман-қўшман битилган. Лекин ҳали мукамал жамият кура олган эмас. Мукамал жамият томон интиломда, дейиш мумкин. Ана шундай қўшман-қўшман фикрлар орасидан менга «Демократия — қонунларга бўйсуниб ишашмоқ» дейилгани неғадир кўпроқ ёқди. Назаримда бизнинг кўпчилигимиз демократияни зоҳиран ҳис қилмай, унинг факат зоҳирий жиҳатларининггина кўра оламиз. Жилда курса, демократияни «оғизга келганини гапиртиш» тарзида тушунамиз. Қўридаги таъриф менга унинг ботиний жиҳатларини эслатади. Демократиянинг ботини, аса моҳияти — қонуанд. Сอดдақ қилиб айтганда, қонунга итоат қилиб

ОНГДАГИ ЎЗГАРИШ

суд-ҳуқуқ ислохотининг асосий воситасидир

ишашмоқ, унинг чегарасидан бир қадам булинган ким бўлишидан, қанақа «курси»да ўтиригандан қатъи назар четга чиқмасликдир. Жаҳон миқёсида тарихи мукамаллашмаган бўлса-да, унинг умумий жиҳатлари, меъзолари шаклланиб, Менинг назаримда Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Жинойи жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жазоблар тўғрисидаги

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА

Фан ва техника давлат қўмитасида «Халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари учун маҳаллий хомашдан экспортгоп ва импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсиз технологиялари» мавзусида давлат илмий-техникавий дастури доирасидаги тадқиқотлар натижалари бўйича доимий семинарнинг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Жаҳон бозорида кескин рақобат шароити мавжуд бўлган бугунги кунда экспортга ва импорт ўринини босишга йўналтирилган ишлаб чиқариш ривожланишини илгор технологияларис тасаввур қилиб бўлмайди, дея таъкидлади семинарнинг очар экан Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик Пулат Ҳабибуллаев. Шу боис киме маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз, экологик тоза усулларни яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар мамлакатимиз иқтисоди учун катта аҳамиятга эга.

Давлат илмий-техникавий дастури доирасида бундай тадқиқотлар 8 та устувор йўналишдаги 50 та мавзу бўйича олиб боришмоқда. Уларда 170 та ташкилот — илмий-техникавий институтлари, илмий-ишлаб чиқариш тузилмалари, олий ўқув юрталари мутахассислари иштирок этмоқда. Иш кўлами жулда кенг. Бу — юқори самарали ўғитлар, ўсимликларни ривожини тезлаштирувчи моддалар ва уларни химия қилиш воситалари, пахта целлюлозаси, полимер материаллар яратишдир. Олимлар табиий ва синтетик тозаларни, тери ва плёнкани синтез усули билан акратиб олиш, бўяш ва ишлов беришининг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, махсус ускуналари, шунингдек, маҳаллий хомаш ва чиқиндилдан кичик ҳажмдаги киме маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежайдиган технологияларни яратиш билан машғул.

Дастурнинг илмий раҳбари, Полимерлар кимёси ва физикас институти директори, академик Сайёра Рашидова йиғилганларга ўтказилаётган тадқиқотларнинг энг муҳим натижаларни тўғрисида маълумот берди. Жумладан, мамлакатимиз мутахассислари томонидан Марказий Қўзғилмуқ фосфоритидан оқдий суперфосфат ишлаб чиқаришнинг энергия ва ресурс тежайдиган технологияси ишлаб чиқилди. Усимликларни ривожини ва ўсишини тезлаштирадиган «Уқун» препаратини олишнинг технологик схемаси яратилди. Ундан фойдаланганда галда ҳосилдорлиги 23-43 фоиз, максакуҳорида 14-34 фоиз кўпаяди, пахта ҳосилдорлиги эса гектаридан 2,7 центнерга ортади. Саноат оқва суваридан никел ва мис ионларини акратиб олиш учун сорбцион материаллар яратилди. Табиий тери ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо хорийик моддалар ўрнига маҳаллий акрил бирикмалар асосида полимер композициялар синтез қилинди. Маҳаллий табиий хомашдан ва уни қайта ишлаш чиқиндилдан тайёрланаётган қурилиш материалларининг янги турлари ишлаб чиқилди.

Семинарда сўзга чиққан дастур доирасидаги алоҳида вазифаларнинг раҳбарлари ва ижрочилари республикамиз олимлари ва мутахассислари томонидан олиб борилаётган бошқа кўрсаткича тадқиқотларнинг бориши ва дастлабки натижалари тўғрисида сўзлаб берди. Улардан халқ ҳўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Семинар қатнашчилари Фан ва техника давлат қўмитасида ташкил этилган кўргазма билан танишди. Унда муҳокама этилган илмий-техникавий ишлар натижалари бўйича яратилган маҳсулот намуналари намойиш этилган. Шунингдек, давлат илмий-техникавий дастурини амалга ошириш доирасида нашр этилган мамлакатимиз олим ва мутахассисларининг монографиялари, илмий ишлари ва олинган патентлари ҳам кўргазмага қўйилган.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Баҳриддин — «Шанкар» танлови ғолиби

Республика болалар бадиий ижодиёти марказига Хундистондан — халқаро «Шанкар» танлови ҳақамлари ҳайъатидан мактуб келди. Унда марказнинг тасвирий сўзчат тўғраги азоси, ўн тўрт ёшли Баҳриддин Шамсиддинов «Хосил» манзарали сурати учун ўшбу мамлакатда ўтказилган нуфузли танловнинг бу йилги ғолиби деб топилгани айтилган. — Ушбу мукофот мамла-

Жанубий ҳудудларда

ДИЛЛАРНИНГ ҚУВВАТИ ВА КЎПРИГИ — ДЎСТАЛИК

ҳозирда Сурхондарёда шўъба корхоналарини қўшиб ҳисоблаганда 40 тага яқин қўшма корхона ишлаб турибди, 7700 дан зиёд киши меҳнат қилапти.

Термиз шаҳридаги «Сурхон — Алжанта Фарма ЛТД» вилоятдаги қадирғор қўшма корхоналардан ҳисобланади. Таъсисчилари: Хиндистоннинг Бомбей шаҳридаги Алжанта Фарма ЛТД, «Сурхон» заводи ва вилоят ҳокимлиги, 5 миллион АҚШ доллари миқдорида Низоом жамғармасини шакллантириб, 1993 йилдан буён фаолият юритмоқда.

1997 йилдан корхона тулик ишта тушади. Бу ерда ҳозир 28 турдаги таблеткалар, капсула ва инъекциялар ишлаб чиқарилапти.

— Биз учун Термиз иккинчи бир оша шаҳарга айланиб қолган, — дейди корхонанинг бош бошқарувчиси Азизша Паддалар. — Иссиқ ва қуруқ об-ҳавоси — жоннинг ҳузур. Бундан деярли 10 йил олдин келган бўлсам, Термизда ўзимга

ёқмаган бирон кўнгилсизликларни кўрганим йўқ. Аксинча, муостақиллигиниз шарафати билан Термиз қисқа вақт ичида кўз олдимизда қайта тутилгандай бўлди, — дея сўзла давом эттади у. — Муҳташам иморатлар қурилди. Йўл-йўлақлар обод бўлди. Хиёбонлар, боғроғлар кўркамлашди. Термиз XXI аср шаҳри бўлди. Термизликларнинг очик ҳедраси, меҳмондўстлиги ва умуман биз биларига дўст-аҳулиги бизни мафтун қилган. Термиз, умуман вилоятнинг чегара ҳудудлари ҳаммаишгай тинч-осойишталигини кўриб турибмиз. Тинчлик-осойишталик ҳамма халқларнинг ороқ-умиди.

— Тинчлик-осойишталик ҳамкорликда ишламоғимиз учун бебаҳо қароғат, катта имконият, — дейди корхона маркетингчиси Шам Кумар. — Бундан буён ҳам биз ишлаб чиқариш ҳажмларини, маҳсулот ишлаб чиқариш турларини ошираверамиз. Ҳамкорликнинг шуниси яхши: ҳам иқтисодиёт ривожланиши, ҳам дўст-қардошлар орттирасан. Термиз мен учун қадонлар маскан бўлиб қолди. Бу ерда ахир Панжи, Ботир, Комил исми дўстларим бор. Юзлаб таниш-билишларим яшайди.

— Корхонамида 40 нафар одам ишлайди, — дейди биз билан сўзлашган «Сурхон — Алжанта»нинг маъмури Шокиржон Турсунов. — Экспертлар биз ишлаб чиқарётган доридоромлар сифатини юқори баҳоламоқдалар. Узаро ҳамкорликдан ҳиндистонлик шерикларимиз хурсанд. Технологияларимизни янада такомиллаштирамиз. Маҳаллий доривор ўсимликлардан хомаш сифа-

Бухоро вилоятда ўрта ва кичик бизнес — доимий эътиборда

Матълумки, мамлакатимиз ҳукумати кейинги пайтда ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида бир нечта янги қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг соддалаштириди. Бухоро вилоятининг маҳалла ва кишлоқларида ўтказилган сўровлар натижасида 5 мингдан зиёд киши тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган. Уларга сотиш ёки ижарага бериш учун фойдаланилмаётган 982 та бино тайёрланди.

Йиғилишда вилоятдаги мавжуд қўшма корхоналар фаолияти батафсил таҳлил қилинди. Вилоятда шу кунгача 48 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 36 таси фаолият кўрсатяпти. Тўққиз ой мобайнида қўшма корхоналар атиги 157 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилган. Бу вилоят экспорт улушида бор-йўғи 1,4 фоизни ташкил этади, холюс.

Ошкора мулоқот тарзида ўтган йиғилишда Бош вазир ўринбосари, республика Давлат мулк қўмитаси раиси Ў.Исмонлов иштирок этди.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Ўрта ва кичик бизнес — доимий эътиборда

Бухоро вилоятда ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида бир нечта янги қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг соддалаштириди. Бухоро вилоятининг маҳалла ва кишлоқларида ўтказилган сўровлар натижасида 5 мингдан зиёд киши тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган. Уларга сотиш ёки ижарага бериш учун фойдаланилмаётган 982 та бино тайёрланди.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Жаҳон 24 соат ичида

Кеча айна масалада Буюк Британия бош вазири Тони Блэр билан Ариэл Шарон ўртасида юзмаюз мулоқот бўлиб ўтди.

● Исроил бош вазири Ариэл Шарон қайтадан фаластинликлар билан музокара бошлаши мумкинлигини маълум қилди. Фақат бунга муносиб шароит яратилиши керак. Яъни, фаластинликлар исроилликларга қарши қуролиш ҳужумларини бас қилиши лозим. Бироқ, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Переснинг таъкидлашича, ҳозирча музокара ҳақида гапиришга эрта.

Кеча айна масалада

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр билан Ариэл Шарон ўртасида юзмаюз мулоқот бўлиб ўтди.

● Маълумки, Жорж Буш АҚШ президенти этиб сайлангандан сўнг ўзининг дастлабки нутқларидан биринда, рақатдан мудофаа тизимини яратиш Америка учун стратегик аҳамиятга эга, деган эди. Шу вақтгача Россиянинг айна режого эътирозин кучли эди. Бироқ кеча «Вашингтон пост» газетаси Кремль мулозимлари АҚШга ракетадан мудофаа тизимини яратиш учун синавалар

Ўтказишго розилик берганлигини билдирди.

Хабарларга қараганда, бу борадаги баҳс-мунозаралар яна икки ҳафтадан сўнг В.Путин ва Ж.Буш ўртасида бўлиб ўтадиган юзмаюз мулоқотларда яқин топади.

● Франция парламенти фуқаролар кавфсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида янги қонун қабул қилди. Энди кавфсизлик хизмати ходимлари зорур бўлгонда керакли ҳужжатларни расмийлаштирмай автомашиналар ва уйлорни тинтув қилиши, шубҳали шахсларни текшириши мумкин.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

ТАКЛИФНИНГ САМАРАСИ

сезилгач, янги мулоҳазалар туғилаверади

Навоий вилояти ҳокимияти борганида менга шундай дейишди:

— Сизни доимий комиссиялар қизиқтирадими? «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари вилоят кенгаши таркибига 6 та доимий комиссия фаолият кўрсатилди. Ҳеч бирини ёмон ишлашга дебмайман. Яхшиси, «Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари» комиссиясини мисол қилиб ола қўлинг. Комиссия раиси Баҳодир Муҳиддинов билан учрашсангиз, барча саволларингизга жавоб топасиз.

Вилоят ҳокими муовини Файрат Жўраевнинг бу сўзини ушбу доимий комиссия фаолиятга берилган баҳо деб тушундим. Баҳодир Муҳиддиновни яхши танидим. Файдали инсон, таълим-тарбия жонқури, Навоий техника коллежи директори, кимё фаилари доктори, профессор. 5-Малик сайлов округидан номзоди бўлиб қўйилган 4 кишидан бири эди. Эндиликда сайловчиларнинг ишончини оқлатишти дейишга тўғри асос бор. Унинг депутатлик фаолияти, бошқарётган доимий комиссия иши ҳақида қўлаб ижобий фикрларни эши-

тиш мумкин.

Доимий комиссиянинг қалин муқовали жидда тикланган ҳужжатларни арақлаштириб бундан ўн йилча аввал вилоятдаги йирик ташкилотлардан бирининг раҳбари, вилоят кенгаши депутати билан бўлиб ўтган суҳбат ёлғимга тушди. Ушдан депутатнинг фаолияти, қайси доимий комиссияга аъзолиги ҳақида сўраганимда энасан қотиб, «мен вилоят миқдоридаги раҳбарман, шунга яраша биров обрўли комиссия-помиссияга тиркаб қўйганлардан дегани ҳамон эсимда. Илгарилари бундай депутатларни қўлаб учратиш мумкин эди. Ҳатто, ўзининг бурчи ва вазифасини илғаб олмаган ҳолда депутатлик ишонини кўз-кўз қилиб юривчиларга тез-тез дуч келаварардингиз».

Ҳозир депутатларга талаб ўзгача, масъулият юз чандон ошган. Биргина шу комиссия фаолияти ҳам бунга яққол кўрсатиб турибди. Комиссия аъзолари билан суҳбатлашганимизда улар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишига ишондим. Ўз бурчини бажарибна қолмай сессияларга масалалар тайёрлаш, соҳани таҳлил этиб, зарур тавсиялар

ҳозирлаш, уларнинг амалдаги ижросини таъминлашга астойдил киришишди. Гоҳида шу соҳани пухта биладиган мутахассислардан иборат махсус комиссия тузиб, жойлардаги аҳволни пухта ўрганганда. Доимий комиссияларнинг ниямаларга қодирлигини сўз билан эмас, иш билан исботлашди. Бунга мисоллар кўп.

ташланди. Баъзи раҳбарларда ташаббускорлик, жонқуярлик етишмаётганлиги таъкидланди.

Вилоят халқ таълими тизимида «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларнинг амалиёти жорий этилиши ўрганилиб чиқилганда бир қатор мактаблардаги ўқитувчиларнинг савийаси замонага мос эмаслиги, дарсдиқлар етишмаслиги, ҳомийлик ёрдами уюштиришга жиддий киришмаганлиги сабаблари очик-ойдин кўрсатилди.

Вилоятда иккита олий ўқув юрти бор. Улардаги аҳвол комиссия аъзоларининг доимий назоратида. Чунки, педагогика ва кўнчилик институтларида ўқув машғулотлари икки сменала олиб борилади. Ўқув хоналари етишмайди. Биргина педагогика олийгоҳида ҳар бир талабга 15 ўринга 4,2 квадрат метр жой тўғри келади. «Талабалар уйи»да эса 6 квадрат метр ўринга атиги 0,6 квадрат метрни ташкил этади. Бу республика олий ўқув юртлири ўрнисида энг паст кўрсаткичдир. Бунинг устига олийгоҳларнинг моддий техник базаси, профессор ўқитувчиларнинг салоҳия-

ти талаб даражасида эмас. Демак, ўқув юртлирини тубдан ислоҳ қилишда комиссиянинг ўз ўрни, кўмаги бўлиши керак.

Шуниси диққатга сазоворки, комиссия аъзолари Президент Фармонларининг бажарилиши таълим-тарбияни бугунги талаблар даражасига кўтариш, жамоат ташкилотларининг ўз ҳуқуқ ва бурчларига муносабати, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги аҳвол, маданият, маънавият ўқувчиларининг фаоллигини ошириш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш каби энг муҳим масалаларга асосий эътиборни қаратмоқда. Иш режаси жуда тизим ва кенг қўламли. Шу йўналишда кўпгина муаммоларнинг ечими топилмапти.

— Илгиларимизда камчилик ва нуқсонларни кўрсатиш билангина чекланиб қолган комиссия раиси Б. Муҳиддинов, — уларни қай йўналишда бартараф этилишига оид амалий тақлиф ва мулоҳазалари билдираётганимиз. Пишиқ, пухта қарор қабул қилиб, назоратни ўз зиммасига оламиз. Тақлифлар марафонини сезиб турибмиз. Ишда ўнгилаш ҳис этилган, янги тақлифлар, мулоҳазалар туғилаверар экан. Уларнинг бажарилишига кўнчилик диққатини тортиш бугунги депутатлар фаолиятининг муҳим бўғинидир.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Янги тушган келинчакнинг уйи тўғрисида баҳо берган паллақ, кирпич паллақ, зарбдорларга жамият аъзоларининг қўли гул чеварлар «ижодининг» намунасини. Дарҳақиқат, бу ерда тайёрланаётган хилма-хил кашталар, зарбдорлик маҳсулотлари хонадонларимиз кўрсатма айланган. Корхонада тилга тушган устоз чеварлар талайгина. Жумладан, одий каттачиликдан мастериликка бўлган йиқирма олами йиллик меҳнат фаолияти давомида Ҳалима Шоакбарова қатор шоғирлар етиштирди.

СУРАТДА: Ҳ. Шоакбарова шоғирлари Дилбар Дадамұхамедова ва Дилбар Савдечевалар билан янги сўзаниш кўздан кечиряпти.

Нўрможон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ОҚСОҚОЛЛИК — БЕДОРЛИК

Тўрақўрган туманидаги «Исхон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Ботировнинг хонасида суҳбатлашиб ўтирдик. Эшиқ таққиллаб, йиғини бошлаганида бир киши кириб келди.

— Оқсоқол, одамизнинг аҳволини яхши биласиз. Жўжабидай жоним. Олдинги йили катта ўғлимни уйлантирдик. Яна иккитаси наваб кутиб турибди. Лекин, хонадонимиз тор, келин туширганга уй йўқ. Ер участкаси сўраб бермаган идорам қолмади, ҳисоб. Ваъда беришадими натижаси йўқ. Маҳалланинг ҳамма ишда бош-қош бўлаётганини кўриб, ҳузурингизга келавардим. Сўнги илгички сизлардан, — қўлдаги аризасини узатди у.

Катта идораларга юмуши битмаган Ғанижон Раёқовнинг маҳалла йиғинига етаклаб келган нарсаси оқсоқолга ишонч бўлса-да, «Ҳозир бу кишидан ҳам янвалининг ўзини олади», деган уйга берди.

— Йўқ, алаҳибаман. Аҳмаджон ака унинг гапларини охиригача эшитди, вақолати доирасида Ердам кўрсатишини айтиб, кўнглини тўқлади, охирида ҳазилашди ҳам кўбди.

— У ёқ, бу ёққа юмушга ўтирмай тўри олдига келавармабиз-да. Майли ҳалиям кеч эмас. Лекин, тўғай айтишини унутманг.

Кейинроқ уша кишини учратиб қолдим. Хурсанд. Оғзидан бол тоғиб, маҳалла оқсоқолни алқайди. Муаммоларимизни ечиш учун қаттиқ туриб берди, дейди. Айтишича, ширкат хўжалиги раиси билан роса талашиб-тортишиб, хўжалик хитирига бўш турган уйни олиб берди.

Ушанда Аҳмаджон ака ҳам айрим раҳбарлар сингари ўзини тарозига солиши, «Ер қўлида бўлган раис ёрдам беролмабди, мен нима қила олардим», деган масалани бошидан соқит қилиб юбораверди мумкин эди. Бирок, у бошқача одам. Қўл қўганини хира тортиган. Қурбиги тангача фуқароннинг юзига силка тутайди, кўрага олмаси йўлини кўрсатади. Узи раислик қилётган ҳудудда яшовчи тўрт миңдан ортиқ фуқаронини бир ойда аъзолиги юзига яқин олгандан бу.

Бу мисолни оқсоқолни кўрага кўтариш мақсадида келтирдим. Ниҳоят, маҳалла фуқаролар йиғинларида бошқарувчи бўлиш бўғини сифатли муносабатда бўлаётганлари, унга ишонч билдираётганликларини таъкидлаганимиз келди, холос.

Америкада маҳалла барми, Германияда? Ўзбекистон бир-бирини тушуниши, бир майзини қирққа бўлиб ея олиши аҳдидининг нишонча. Аллоҳларимиз қадим-қадимдан бу гўшани Ватан оқсонини, деб бежиз таърифлашганимиз. Болаларимиз, момоларимиз

миз уқтиришарди, бола етти маҳалланинг тарбиясини олгани одам бўлади, деб. Бирор ноқобил фаранд чиқиб қолса, нафақати ота-она, балки бутун маҳалланинг боши ҳам бўлар экан. Ана шу ағна мустақиллик шарофати билан ўзинга тушди. Ўз-ўзини бошқариб идоралари расман тан олинди, етакчилиги ҳаёт синовида ўтган, бообур кишилар қўлга топширилди.

Маҳалла оқсоқоли. Бугун алоҳида вазифа сифатида расмиёштирилиб, маош тўланаётган бу лавозим, катта-кичикки менга қолса, унинг даражасини тағдир қилмастмасини гўшнингидан турган ҳеч бир амалдорликдан ҳам демасам. Сабаби, вазирим, ҳокимим, директорим, вазифасидан қатъи назар ўша оқсоқол бошчилик қилаётган маҳалланинг фуқароси. Қолаверса, оқсоқолнинг

хизмат вазифаси, кўнчилик олдидики инсоний бурч ижроси, деб ҳисоблайди.

Оқсоқоллик — бедорлик. Бу лавозимдаги кишига лояқатлик бегона бўлмағи мумкин. Ака ҳолда маҳаллага лозим бўлади.

Амалдор тўғрисида санъаткорнинг бўйига «қўки» қандин тизилган маржони олиб қўйди. Дастурхоннинг тўғрисида ўтирган оқсоқол бунга қўриб, ниҳоятни четта олади. «Ҳой, неҳардан чикма», дейишга ярамади. Кетар чоғи ўзига туғиб берилган яқтак ва чопонини индамасдан қўлга тўғди. Уради. Бойликлар қинғир йўл билан топилган эканми, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай амалдорнинг иши сўда ошди. Йиғин раиси унинг ҳақидаги «Кўй оғзиндан чўп олган, ҳалол одам», деган тавсияномага имзо чекди. Атрофдашлар дол. Ваҳоланки, улар биринчи қатлаб раиснинг тўғукига танабеҳини қўтиришди. Яна бир гап. Болаларига нафақа расмиёштириш учун келган бева айла оқсоқол оғзинга ушаргани иши битишини имо-шоралар билан тушунтирди. Унинг омордаги охири макжаҳури домини сотиб олиб келган пулини индамай чўтиргани солди ва ҳужжатларини тўғдиришга тушди.

«Маҳалла қўлида, айтганимиз айтган», йўлга ўтиб олган, ўзи оқсоқолга юраги қурум хиссаларини тўғди. Хабирия, қўлида ўз-ўзини бошқариб органларига ўтказилган сайлов даврида бўлиблар суғди қўпик сингари четта чиқиб қолди.

Оқсоқол логанида олдига кўз ўнгинида ошпоқ соқоли кўксига тушган отахонлар гавдаланиди. Аммо, маҳалла тизимини қўлга олганлар орасида ғайрат-шажоатли аёллар, ҳар бир масалга боёқчи билан ёндошдиган йиғитлар ҳам етарли. Учқўрғондаги маҳаллардан бирига 20 ёшли йиғит бошчилик қилётганини айтишди. Чортоқдаги «Бористон» маҳалласи раиси Ақмал Омонов эъди 33 ёшга кирди. Ҳаммаҳалларда ҳисобот-сўйлалар унга яна ишонч билдиришди.

Юртбошимиз бир гап Наманганда бўлганларига тўрақўрғонлик оқсоқол Аҳмаджон Ботиров у кишига қарата «Биз сизнинг ўринбосарингиз, маҳалланинг Президентимиз», дегани ҳазил аралаш. Илоҳ Абдуғаниевич «Сизлар чиндан ҳам Президентлар», дея у кишини бағриларига босгандилар. «Уша тафт, ўша ҳарорат ҳамон вуқудимини энтиқтирди», хотирлайди Аҳмаджон ака. Ростдан ҳам йиғин раиси ўз ҳудудини биринчи раҳбари. Бу лавозим унга мингларга бош бўла билгани, улар дардини ўзиники деб ҳисоблаётгани учун берилган...

Маҳаллаларда

бирон-бир фуқаросини «Иш вақтим тугади», дея қабул қилмаганини кўрганмишди? Қабул қилади, зарурати тўғрисида тунда ҳам. Чунки, ҳудудга тегишли ташвишу муаммоларининг бегонаси йўқ унга. Бундай масъулиятга эса бошқалар ташвишга ҳам юраги берор тепа олади.

Наманган маҳалла даражасига хос бир дунё дейишга. Мамаклатда биринчи бўлиб ўз-ўзини бошқариб тизимининг ушбу бўғини етакчиларига маош тўлаш йўлга қўйилгани кўнчиликнинг ёнида. Шундан кейин ишлар янада тақомиллашди. Оқсоқолларнинг вақолати, бунинг баробарида масъулият ҳам шунча ортиб. Бугун шаҳар ва туманларда фуқаролар кўрсатётган 725 маҳалла фуқаролар йиғинининг 685 таси раисларига давлат хазинасида 8-9 миллион сўм атрофида маблағ ажратилмоқда. Ташаббускор, ўз ҳудудига намунали жамоат тартиби ўрнатганлари моддий маънавий рабатлантирилмоқда. Наманган шаҳридан Шамсидин Муҳиддинов, Наманган туманидан Жўраҳон Хайитовлар айна шу соҳаддаги фаилларлар учун мамлакатимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлган. Ҳукуматимизнинг фахрий ёрликларини билан тақдирланган оқсоқолларимиз қанча. Ҳа, ахлоқ олоб, меҳнат ва тарбияда уларнинг ўзлари иборат бўлмаганларидан бундай эътироф қаёқда эди? Наманган шаҳридаги «Даштбот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рислихон Абдуғайдаров ва аёл билан бўлган гузар қўриқлиши, мининг хизмат тармоқлари очилди, қўшимча ишчи ўринлари қраттиш юмушларига бош-қош бўлаётган. Наманган туманидаги «Қоратеп» маҳалласи оқсоқоли Султонхон Қаландаров ширкат хўжалигини олган еридан тушган даромаддан кўн-қўнчиларга ёрдам кўрсатётгани ҳақида ҳеч қачон оғиз кўпиртириб гапирмайди. Бутун ҳаракатини

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ПАЛАТАНИНГ КЎМАГИ

Чимбой туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз ишчи жонларини муҳофазада 655 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фермер хўжалиқлари бор. Жорий йилда палата кўмагида уларнинг акционерлик-тижорат банкларида 94,2 миллион сўм микрокредит олишлари, ишлаб чиқариш ҳақида тадбиркорлик ишларини ўнгилашларига эришилди. Янгибой ҚУЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯПОНЛАР БИЛАН ЯПОНЧА БАҲСЛАШАДИГАН ЙИГИТ

Дарҳақиқат, Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз филологияси факультетининг 3-босқичи тоғлиби Лутфулло Йўлдошев японлар билан японча баҳслаша олади. У мазкур тилини иккинчи мутахассислик сифатида ўзлаштирган. Лутфулло яқинда Москва шаҳрида КИД мамакатлари талабалари ўртасида ўтказилган япон тили нотиклик санъати тилло-видео қўлиб бўлди. У японча сўзлашганда японлар ҳам тан бериши шубҳасиз.

ЭКОЛОГИК МАҚСАДДА — ГЕРМАНИЯГА

Халқаро «Экосан» жамғармасининг бир гуруҳ аъзолари Германия сафарига отланишмоқда. Мақсад — Германия жамоатчилиги эътиборини Оролбўйидаги экологик муаммоларга қаратишди. Гуруҳ таркибиде эколог-мутахассислар билан бирга Қорақалпоғистон Жўраҳон Кенгеси ва Хўрақ вилояти ҳокимлиги вакиллари ҳам бор.

ЛОЙДАН ЯСАЛГАН МЎЪЖИЗА

Халқ амалий санъатига Гуруссарой кулолчилик мактабининг ўрни бақрайс. Пойтахтимиздаги халқ амалий санъати музейида гуруссаройлик уста кулол Ваҳобжон Буваевнинг асарлари кўргазмасини томоша қилсангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Уста оддий тупроқдан гўё мўъжиза яратгандай, «Мавий афсона» деб номланган ушбу кўргазмадан жой олган ҳар бир экспонат сизга она замин мўъжизасини тараннум этгандай туюлади.

М.ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

«АНОР» БОҒЛАРИДА МЕЗОН ҲАҚИДА

Бундан уч-тўрт йил аввал, айна пишиқчилик палласида «Анор» хўжалиги раҳбари Мастура Сайфиддиновани боғга тўлган боғларда эмас, вилоят ва мамлакат марказларидаги турли тайёрлов идоралари оstonасида учрашардингиз. Муваддаси битта: пишган анорага харидор топиш. Аммо бунинг учун кимларга сарғайиб, кимларга килти қилмас эди у. Чунки хўжалиқнинг оморхонасида анор қалшиб ётарди. Устига устак, борбонлар ширкат

миқдорда, анорнинг иригию ёриги, кичиғио каттасига қарамай, бир хилда ўртача пул тўлайди. Ижарачилари сув, ўғит, техника, кимё хизматлари билан таъминлаш хўжалик гардианида.

Янгича усулда ишлаш хўжалиқини эскича бошқарув усулларидан тамомила халос этибгина қолмай юксалишининг оидин йўлга ҳам олиб чиқди. Беш йил ичида деканчиликка яроқли ерлар бир гектарга ҳам ортгани йўқ, лекин мевазор боғлар

сўм 64 тивчин даромад келтирган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 52 сўм, 77 тивчин ташкил этди. Хисоб-ки-тоблар юбилей йилидаги самара 70 сўмдан ортишини кўрсатиб турибди.

Бошқа натижаларга ҳам назар ташлайтилди. Бир гектар ер беш йил аввал 31 минг атрофида даромад берган бўлса, ўтган йили бу рақам 222 минг сўмни, жорий йилда эса 300 минг сўмни ташкил этмоқда. Буларнинг барчаси хўжалиқда рента-

- Дивидендга 30 миллион сўм
- Бир гектар ердан 300 минг сўм даромад
- Бир сўм иш ҳақиға яна шунча қўшимча ҳақ.

беллик даражасини 30 фоизга кўтариш имконини бермоқда. Агар беш йил аввал пудратчилар пай дастфарчаси бўйича кўшма дивиденд олиши хабларига ҳам келтирмаган бўлишса, бугун бу оддий кўрсаткичга айлиб қолди. Ўтган йил пайчиларга 22 миллион 700 минг сўм дивиденд тарқатилганини, бу йил эса пай қамидга 30 миллион сўм пай ҳақиға элдор бўлиб туришганини эсласак, янгича ишлаш усули ўзини оқлаганигини ҳис қиласиз.

Пудратчи ҳамма сарф-харажатларини ўзи назорат қилади. Илгаригидай умумий эмас, ўзиники қабилада иш юрилади. Тежамкорлик, айнақса, сўвдан фойдаланишда ўз афзалликларини кўрсатди. Хўжалиқнинг барча ер майдонлари, бог-роғлари Найман адирларида, Қўвнинг юз майдонлари тугул, асосий сув манбаи — Жанубий Фаргона каналидан ҳам 250-300 метр юқорида жойлашган. Ассосан иккита насосдан сув ичади. «Дўстлик» насоси оби-хаёт-

«НАВРЎЗ»НИНГ ЯШИЛ МАЙСАЛАРИ

Халқимизда «Эрта эҳкан-хирмон қилур», деган ҳикмати нақл бор. Буни амалий тажрибада синаб кўрган миришкор дехқонлар тангман дамлардан унумли фойдаланиб, кузги экишлар парвартишга жиддий эътибор беришмоқда. Самарқанд туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги саваботчилик ва галлачиликка ихтисослашган. Хўжалик дехқонлари жорий йилда мўла ва сифатли савабот маҳсулотлари етиштириб, тармоқдан мўмай даромад олишди. Шу кунларда катта майдонларга экишган кузги галла қўлғи уриб ўсмоқда. Айниқса, ижарачи ва пудратчиларга қарашли далаalarda экиннинг авжи баланд.

СУРАТДА: пудратчи Мухаммади Ғайбиев ва Бихром Исмаилов галлазорда.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган сурат.

Тажриба, ақлли, аққос

«Халқ сўзи» мухбири.

«Хўжалик сарҳадлари қўшни Қирғизистоннинг Карвон қишлоғидаги «Анор» хўжалиги билан тугатиб кетган. Ҳозир 8 гектарлик масофада чинакам чегара тизими бунёд этилган. Хўшёр Йиғитлар сарҳадларни сергаиклик билан қўриқлаб туришмоқда. Уларга Шоҳват Тошмиров бошлиқ чегара посбонлари қумқодш. Бизнинг диққатимизни бошқа манзара ўзига тортди. Қўнчиларнинг анорзорлари бутазорларни эсласак, чегаранинг иккинчи томонидаги боғлар эса барқ уриб яшаб турибди. Хўлоса аниқ: қаерда тинчлик, осийшталлик, ҳисоб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўли тўтиласа, ютуқлар салмоғи қўнаверар экан.

Бу ишончимиз хўжалиқнинг бош кўргонига қайтганимизда янада мустаҳкамланди. Ижарачилар Азизова Олимова, Жасанбой Дориев, Қўзйўли Эримов ўз келишган экан. Улардан йиллик даромаднинг сурштиридик. Ҳар қалай бир тўй ўтказилганда, уртача машина сотиб олишга етар экан. Қўвчасига бу қамидга 2 миллион сўм атрофида даромад қилди, дегани.

Улкамизда куз. Қўва туманидаги Шароф Рашидов номли ихтисослаштирилган мазкур хўжаликка анор қўмилди. Тархалларга шакл берилади. Бу боғларнинг меваси эса Россия, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасидаги дўстларимиз дастурхонини ҳам безаб турганлигини эслаш янада мароқлидир.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«АРОСАТ»

Миллий мафкура ва мактаб»

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«АРОСАТ»

Миллий мафкура ва мактаб»

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«Халқ сўзи» газетасининг 2001 йил 20 сентябрь сониде Султонмурод Олимнинг мақур сарҳавда эстадаги мақоласи чоп этилган эди. Унда Республикада таълим марказининг илмий методик кенгаши нашар қилган «Аросат» таълим марказининг қиёбонлиқ шўро мафкураси таъсириндан тўла қолма бўлмаган айрим тақлифлар, баъзи тушуқча ва атомаларнинг нотўғри қўлланиши асосида тароқда танқид қилинган. Шунингдек, мактабга мўлжалланган ҳар қандай тавсия буюнқон, амон таълибларига тўла жавоб бериш зарурлиги таъкидланган.

Республика таълим маркази таҳририятимизга ушбу мақола юзасидан жавоб мактуби юборди. Марказ директори Т. Алимовнинг таъкидлашча, биздириган танқидий фикр-мулоҳазалар мутахассислар томонидан ўрганилиб, логички хулосалар чиқарилган. Марказ директорининг бундан бундан вриятладиган дорелик, қўлланма ва методик тавсияларда мақолада кўрсатилган камчиликларга ўхшаш ҳетоларга йўл

қўямаслик, ўз вақтида уларнинг олдини олишга қаратилган буйруқ чиқарилган.

Мамаклатимиз Президентининг «Йиллик иштироқ юзаси: асосий тушуқча ва тавсиялар» фаши буюнқон таълим дастурларини яратиш ва ресон публика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги Фармонийидага асосан, бу соҳаддаги фаолият тубдан

янгиланиб, ҳозирда Республика таълим марказининг «Мавнавий-мелрифи» ишлар бўлими томонидан тавсия этилаётган борга қўлэмалар, аввало, бўлими кенгашидан ўтказилиб, сўнра махсус ҳукумат методологик комиссияси муҳокамасига топширилади. Шу тарихи бундан бундан ўқув методик адабиётларни мақур комиссия тавсиясига асосан чоп этиш йўлга қўйилган.

Таҳририят хилсиз ниг билан ёзилган танқидий мақола ишининг яқинлашгани амалий фойда келтиренини маммуният билан қўяд этди.

Барҳаёт сиймолар

«МАНИ МУЛКИМ ҚИЛУР ОБОД»

Муулмон Шарқда аёлларга эътибор, ҳурмат Куръон оятлари ва ҳадислардан бошланади. Ҳадисларда жаннат онанинг оёқ остидадир, дейилишининг ўзи жуда чуқур мазмунга эга бўлиб, аёл жаннат тушунчасидан ҳам юқори кўтарилади.

Узбек адабиётининг зарварларига муносиб ҳисса қўшган шоира Анбар отин ҳам ўз асарларида оналик дунёсини очиб берди. У ўз шеърларида машуқа бўлиб қўйлади. Она бўлиб фарзандларига меҳр-муҳаббат қўйишларини айтади.

Турмуш йўлоши Зоҳидхўжа ва фарзандлари Мўминхўжа, Усмоҳхўжа, Бибихон, Оминахонларнинг меҳри билан яшайди, таллим-тарбиясига аҳамият беради.

Дикҳатта сазовор жойи шундаки, шоира бутун дунё тарихи ва маданиятини билишга интилади. Айниқса аёллар, оналар, фарзандлар тарбияси мавзусига диққат билан қараган. Уларнинг руҳий оламларига чуқур кириб бориб, ўз асарларида онанинг маънавий ҳайкалини яратган, дугоналари — хотин-қизларнинг маърифатли бўлиб, озад, эркин ҳаёт кеңиришлари, ватанига, халқига, онасига меҳр-муҳаббат ва садоқат билан яшашларини оқшайди.

Шоира «Коралар фалсафаси» рисоласининг иккинчи бобини аёллар, оналарга бағишлайди. У шундай меҳрибон оналарни севиш, қадрлаш ва эъзозлаш лозимлигини уқтиради:

Асар сан ўз онани ҳурмат этсанг, эли ҳурмат эт, — Ка, барча ноҳилилар эл ичда моҳудқудрлар.

Онаг, сандинг санга мушфиқ эса санис эгил ичра, Яхши билки, тамомиси чунинг меҳри гайбулар.

Шоира эл-улус, юртининг аҷибқ ҳисмати ҳақидаги шеърларида ички бир дард билан бирга, унинг маърифати, маданияти, келгуси яхши тақдир ҳақида чуқур уйғайди. Унинг ўз фарзандларига қарата элини ва ватанини севиш ҳақидаги насихатомуз сўзлари жуда аҳамиятлидир. Бир муҳаммасида шундай эъти:

Деваки, болам, бу сўзларни уйғай танинга, Ҳазрат қилакўр эл учун бу доно ватанинга!

Эл роҳатию тамили қабул эт танинга, Бовар қилакўр келгусида ёшқ марди занинга.

Фарзанд қарандиш қабул этси ширанинга.

Анбар отин юртиниз рус подшолиги томонидан истило қилинган, бинобарин, ички ва ташқи зулм низоҳатда қучайган бир даврга яшайди. Бу вақтда «ичқарида» ўтиришга маҳкум этилган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини тўғри тушуниб олишлари низоҳатда қийин эди. Шундай бир шароитда шоира чуқур тафаккур билан ҳаёт воқеаларини мушоҳада қилди.


Анбар отин «Якка байтлар» деб аталмиш манзумасида ёшларнинг таллим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Бу қисқамаснавий йўлида ёзилган байтларда Куръон оятлари ва ҳадис оҳанглигининг, олам ва олам ҳаётини тушуниришга қаратилган табарук қаломлар, ватан ва халқ ҳақидаги қадрий мушоҳадалар, ахлоқ-олабга он қарашларнинг ҳикматона ифодалар берилишини кузатамиз.

Шоиранинг «Тонг отунча» радиалии шеърда қоронгу зулматли туш қўйида уйғоқ она ва бешика улаётган гуақ тимсоли тундаги лозик қалб мисралари билан тасвирланган. У тонгли тоқатгазелини кутайди. Яхши кунлар келиб «бахтиниз фарзандларининг ҳам чингаи ечилиш» деб ўйин боғайди. «Хувида аллоҳнинг жаҳон мулкисини абад кўришга» ишонч билдиради. Узбекистонимиз мустақил бўлиб, қадриятларимиз тикланаётган ушбу кунларда Анбар отиндек муштирақ оналарнинг оролари рўбига чиқмоқда. Оналаримиз республикамизнинг мустақиллиги йўлида янада шарафли меҳнат қилмоқдалар.

Фарзандларимизнинг таллим-тарбиясига жиддий аҳамият берилмоқда. Утган қисқа йил ичда академик лицей ва касб-хўна колледжлари таллими йўлга қўйилди. Истеъодли ёшларимиз дунёнинг турли мамлакатларига бориб ўқиб қайтишмоқда.

Анбар отиннинг ватан истиқболи ҳақидаги умидвор фикрлари узоқ йилларнинг машаққати йўллари, умидли юракларнинг серҳанж нилонлари бўлиб келди ва бу мисралар бизнинг буғунги истиқлол замонамизда алоҳида оҳанг билан жарағилайди.

Маҳбуба ҚОДИРОВА, профессор.



МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ...

«Ёшлиқда олган билим тошга йўнлган нақшдир» — дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, эртанги порлоқ келажак пойдеворини болалик чоғда мустақамлашда фидойи устозлар ўрни беқийс.

Янгиўл туманидаги Мирзо Улуғбек номи ширкат хўжалигида жойлашган 50-ўрта мактабда 41 нафар мураббий 612 нафар ўқувчиға таълим-тарбия бериб келмоқда. Бу ерда фидойи, ташаббускор, жонкуяр ўқитувчилар талайгина. Шулардан бири Коммунахон Ҳасанова. У туман бўйича ўтказилган «Муаллима — иккинчи она» кўрик-танлови қолиби.

СУРАТЛАРДА: Коммунахон Ҳасанова дарс пайтида. Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

«Авесто»нинг 2700 йиллиги олдидан

ЗАРДУШТИ ПАНДЛАРИДАН

- Доно ўз ақлу фаросати билан но-дон қалбини ёритмоғи лозим.
• Доно ўзгаларни ўз билимидан баҳраманч этмоғи зарур.
• Эй мардум! Шундай киши гапига қулоқ тутингки, у доғишманч ва ростлик тарафдори бўлсин.
• Ким фаросатли, оқил ва тўғри бўлса парвардигори олам унинг ҳомийсидир.
• Кексалар гапига қулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз ажратиб олинг.
• Жаҳонга ҳақорат кўзи билан қарайдиган кишилар поктейнатликдан йирқидирлар.
• Пок хулқли юрт ҳамиша юксалиш ва тараққиётда бўлади.
• Кишилар яхши хулқ билан камолот ва мангуликка эришадилар.
• Яхшилик одамни мангулик кишвари — жаннатга элтади.
• Яхши устозлар тангрига яқин одамлардирлар.
• Нодоннинг ибодат пайтида рақсга тушгиси келади.
• Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўътабар одатдир.
• Рост сўз сендан қоладиган энг кутлуг ёдгорликдир.
• Рост амалдан бошқа ҳеч нарса билан шуғулланманг.
• Ҳаммага яхшилик тилайдиган одамларга яхшилик етсин.
• Тоғ жилғаларидан биттасини қуритган одам Тангри душмандир.
• Дўстлик ришталарини поклик билан маҳкам тут.
• Ер юзининг яхшилари адоғисиз дарёдирлар.
• Ким ёлғон сўзга оғиз очса, бахт қушиндан қоқоқди.
• Соғлиқ энг яхши дўст, касаллик дахшатли душмандир.

Форсийдан Х. ХОМИДИЙ таржмис.

«ОЙИЖОН»

Изланувчан кинорежиссёр Зулфикор Мусоқов билан Баҳодир Одиловнинг энг сўнги кинофильми ана шундай эгд номланди.

Киносценарийни ҳам режиссёрларнинг ўзлари ёзишган. Фарзанд учун онадан меҳрибон ва қадрдон зот йўқ дунёда. Онанинг улуғлиги шундаки, у фарзанди учун жон фидо қилади.

Фильм ижодкорлари ўз фильмларини «Ойижон» деб номлашаркан, аёл олами гўзаллигини, ундаги меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини алоҳида кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Ва бу максалларига эришганлар ҳам.

Жажжигина Наргис (Тўғон Режаматовнинг набираси Фарангис Режаматова) онасидан

пайта иккита ролда: ҳам Наргиснинг онаси, ҳам япон аёли ролда чиқади. Фильмнинг кўпгина қисмлари Японияда суратга олинган бўлиб, Самарқанд ва Япония манзаралари уйғунлашиб, ҳар икки халқнинг турмуш тарзи ҳамда ҳаётдаги ўхшашликлар ҳақида тасаввур беради томошабинга.

«Ойижон» кинофильми Анапа шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалда махсус соврин билан тақдирланди. Александр Логунов фильмни «Шарқ донишмандлиги сабоқлари», дея атади.

Ушбу эътирофлар ўзбек киноси поғонамапоғона кўтарилиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Фильм тез кунда кинотеатр экранларига чиқади.

Г. ҲУСАНОВА.

Термиз шаҳри юбилейига бағишланди

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилиб, нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўз мухлисларига эга бўлиб бораётган «Sanat» журналининг янги сони нашрдан чиқди.



Кўҳна шаҳарнинг тарихий аҳамияти беқийс эканлиги ҳамда жаҳон цивилизациясида, Буюк Илак йўлида муҳим ўрин тутган «Санъат» тарихий рукин остида академик, йирик санъатшунос Эдвард Ртвеладзеининг «Термиз ва унинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни» мақоласи билан таъинишнинг мумкин. Унда шаҳарнинг Урта Осиёда пайдо бўлиши ва тараққиёти, унинг тарихини кўрсатадиган қатламлар, олиб борилган археологик қазилмалар, бундан ташқари, Термизнинг қачон ва ким томонидан вайронга айланганига, яна қачон ва қай тариқа шаклланиши ҳақидаги маълумотларга эга бўласиз.

Элмира Гулининг «Қадимги Бактрия — маданиятлар муштараклиги манзили» мақоласи Бактрия маданияти муаммолари, санъати тараққиёти, у ерда олиб борилган талайгина тадқиқотлар, буддизмнинг тарқалиши, Бактрия-эллин маданияти, Эллин-ҳинд-будда маданияти, Бактрия-ҳинд-будда маданияти ҳақида ҳикоя қилади. XIX аср охири XX аср бошларида Уйғуристон ва Афғонистондаги будда ёдгорликларининг урганилиши, Айритом қазилмалари, бу ерда будда динининг кириб келиши, археологик қазилмалар натижасида топишган ҳайкалчалар Баҳодир Турғуннинг «Айритом» мақоласига асос бўлган. Шунингдек, Шаймардон Раҳмонов ва Марина Реутова, Пулат Зоҳидов, Мавлуда Юсупова, Римма Еремян, Гулжаҳон Темурова, Р.Тоқтош ва бошқаларнинг мақолаларида ҳам Термизнинг тарихи, бугунги ва келажига оид қизиқарли воқеа-ҳодисалар келтирилган.

Нилуфар ЖҲУРАЕВА.

«ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАВБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙҮЛДҶШЕВА. Навбатчи — М. НОРМАТОВ. Муваҳхих — А. ЭШҚУЛОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қонғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босимга топшириш вақти — 21.00. Топширишда — 21.20. 1 2 3 4 5 6

ЭХИНОКОКК — ЖАРРОҲЛИК ТИҒИСИЗ. Республика Врачлар малакасини ошириш институтида эхинококк хасталигини жарроҳлик тигисиз даволаш усули иxtиро қилинди. Эхинококк бу хасталик билан оғриган беморлар амбулатория шароитида даво-ланмоқдалар.

«ЛОК КОЛОДОР СИНТЕЗ» Қўшма корхонаси — ишлаб чиқарувчи. сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни кўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган МР-3 русумидаги ЭЛЕКТРОДАЛЛАРИ СОТАДИ.

«Тошкентмебель» ХИССАДОРЛИК ЖАМИАТИ. ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ДУРАДГОР-МЕБЕЛЧИЛАРНИ ШОШИЛИНЧ РАВИШДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шаҳсий тарқлиби Қашқадарё вилояти божхона бошқармасининг масъул ходими Эркин ИНОЯТОВнинг хизмат вазифининг уташ чоғида ҳалқ бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг она-аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Марказий Осиёда кичик ва ўрта биз-несни ривожлантириш ЮСАИД лойи-ҳаси ва ПРАГМА корпорацияси жамо-аси лойиҳа ходими Собир ФАЙЗИЕВнинг бевақф вафоти муносабати билан мар-ҳумнинг она-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.